

# **Фотокомпозиция лойихаларини яратишда инновацион технологияларни қўллаш**



**ЎзДСМИ ҳузуридаги Тармоқ маркази  
“Кино-телеоператорлик”  
Профессор в.б. Иқбол Мелиқўзиев**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** ЎзДСМИ “Овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати” кафедраси мудири, профессор в.б. Иқбол Мелиқўзиев

**Тақризчилар:** **Хорижий эксперт:** JOONHWA LIN-Жанубий Корея “DONG-A” медиа ва санъат институти профессори.

А.Исмоилов – ЎзДСМИ “Овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати” кафедраси профессори

Ўқув-услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	20
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	58
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	90
VI. ГЛОССАРИЙ.....	94
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	98

## I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур

бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

**Курснинг вазифаларига** куйидагилар киради:

“Кино-телеоператорлик (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз янгилаш ҳамда ривожлантириш механизмларини яратиш;

- олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган замонавий талабларга мос ҳолда педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасида ўқитишинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Кино-телеоператорлик (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳдил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талabalар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- кино-телеоператорлик соҳасидаги янги илмий натижалар, илмий адабиётларни;
- кино-телеоператорлик фанларидағи инновацияларни;
- замонавий кино ва телевидение операторлиги услугуб ва услубиётларини;
- замонавий талабдаги машғулотларни олиб бориш мезонларини;
- кино-телеоператорлик соҳасидаги фанларни ўқитища сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;
- кино-телеоператорлик соҳасидаги фанларни ўқитища инновацион технологияларни;
- учбеш ва етти ўлчамли кино ва телекамераларни;
- фотография санътининг ривожланиш тенденцияларини;
- замонавий кино-телеоператорлик маҳорати ижодий мактабларини;

- кино-телеоператорлик соҳасидаги замонавий техник воситаларни билиши керак.

#### **Тингловчи:**

- кино-телеоператорлик соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
- сўнгги йилларда кино-телеоператорлик соҳасида эришилган ютуқлардан амалиётда фойдаланиш;
- кино-телеоператорлик соҳаси бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- кино-телеоператорлик соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни эгаллаш ҳамда мазмун моҳиятини тингловчиларга етказиш;
- кино-телеоператорлик соҳаси фанларини ўқитиш методикаси инновацияларидан фойдаланиш;
- санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш;
- санъат ва маданият соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- замонавий инновацион тасвирга олиш технологиясидан фойдаланиш;
- кино-телеоператорлик соҳаси фанларини ўқитишда илфор инновацияларни қўллаш;
- кино-телеоператорлик фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар ўқув тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- кино-телеоператорлик соҳасида илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш;
- кино-телеоператорлик соҳаси фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш;
- кино-телеоператорлик соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Фотокомпозиция фанининг инновацион имкониятлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Кинооператорлик маҳорати фанини ўқитишда илфор хорижий тажрибалардан фойдаланиш”, “Аудиовизуал индустрияда маркетинг стратегиялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар кинотелеоператорлик санъати, замонавий инновацион тасвирга олиш технологиясидан фойдаланиш, кино-телеоператорлик соҳаси фанларини ўқитишда илфор инновацияларни қўллаш, кино-телеоператорлик фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар

ўқув тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда кино-телеоператорлик соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш компетенцияларига эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>					<b>Мустақил таълим</b>
		<b>Хаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>				
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Машғуло</b>	<b>Кўшимч</b>
1.	Фотокомпозиция модулини ўқишидаги анъанавий ва замонавий ёндашувларни таққослаш.	2	2	2			
2.	Фотокомпозиция модулини ўқитишида замонавий методларнинг афзаллик томонлари.	2	2	2			
3.	Фотокомпозициянинг замонавий техник таъминоти.	2	2		2		
4.	Фототасвирга олишда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш.	2	2		2		
5.	Фотокомпозициянинг янги қирраларини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш	2	2		2		
6.	Фототасвирга олишда замонавий техникаларни қўллаш услублари. Фотокомпозицияда янги кашф этилган композицион услубларни амалиётда қўллаш.	2	2		2		
7.	Фотокомпозиция фанининг илғор хорижий тажрибаларини таҳлил қилиб, илмий изланишлар олиб бориш методикаси.	4	4	4			
8.	Узоқ тарихга эга ўзбек рассомлари ишлари, композиция яратишидаги методлари тажрибаларидан амалий машғулотларда фойдаланиш.	4	4	4			
<b>Жами: 16 соат</b>		<b>20</b>	<b>20</b>	<b>12</b>	<b>8</b>		

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Фотокомпозиция модулини ўқитишдаги анъанавий ва замонавий ёндашувларни таққослаш.**

Фотокомпозиция модулини ўқитишдаги анъанавий ва замонавий ёндашувларни таққослаш. Кинооператорлик маҳоратида фотокомпозиция фанининг умум психологик фанлардан фарқи. Компьютер, презинтация, тарқатма материал, талаба билан ишлаш.

### **2-мавзу: Фотокомпозиция модулини ўқитишда замонавий методларнинг афзаллик томонлари.**

Фотокомпозиция модулини ўқитишда замонавий методларнинг афзаллик томонлари. Ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш. Янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш. Фотокомпозиция фанини ўзлаштиришда дарслик, ўкув ва услугбий кўлланмалардан фойдаланиш.

### **3-мавзу: Фотокомпозиция фанининг илғор хорижий тажрибаларини таҳлил қилиб, илмий изланишлар олиб бориш методикаси.**

Фотокомпозиция фанининг илғор хорижий тажрибаларини таҳлил қилиб, илмий изланишлар олиб бориш методикаси. Методлардан ташқари ижодий фикрларни қўшимча замонавий техника орқали бир-бирини тақрорламайдиган усулларини қўллаш. Ўқув павильони, тасвирга олиш майдончасида, декорациялар билан ишалаш. Табиий қуёш нуридан фойдаланиб эпизод олиш.

### **4-мавзу: Узоқ тарихга эга ўзбек рассомлари ишлари, композиция яратишидаги методлари тажрибаларидан амалий машғулотларда фойдаланиш.**

Узок тарихга эга ўзбек рассомлари ишлари, композиция яратишдаги методлари тажрибаларидан амалий машғулотларда фойдаланиш. Маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, ўқув павильони, тасвирга олиш майдончасида, декорациялар билан ишалаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Фотокомпозициянинг замонавий техник таъминоти.**

Фотокомпозициянинг замонавий техник таъминотини имкониятларидан фойдаланиш. Фотокомпозиция фанининг амалий кўникумалар орқали мустаҳкамлаб бориш. Ҳар бир мавзу юзасидан талаба маълум амалий кинокадр олиш.

### **2-амалий машғулот: Фототасвирга олишда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш.**

Фототасвирга олишда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш. Фотокомпозиция фани орқали бадиий фотографияни ўрганиш. Замонавий инновацион технологиялари ва ахборот ресурслари билан тўла таъминлаш.

Фан доирасидаги билимларини янада чуқурлаштириш. Санъатга оид илмий манбалар устида илмий тадқиқотлар олиб боришни ривожлантириш. Миллий ва жаҳон кино мактаблари ва йўналишлари ютукларини тахлил қилиш.

### **3-амалий машғулот: Фотокомпозициянинг янги қирраларини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш.**

Фотокомпозициянинг янги қирраларини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш. Турли жанрларда ва соҳаларда оддий фото олишдан мураккаб бадиӣ фотография, профессионал кадрларни таҳлили билан муентазам равишда раҳбар назорати остида шуғулланиб бориш. Якка машғулотлар талабада тажрибалар воситасида ўз ижодий йўналишини аниқлаш ва зарур қўникмаларни шакллантириш.

#### **4-амалий машғулот: Фототасвирга олишда замонавий техникаларни қўллаш услублари. Фотокомпозицияда янги кашф этилган композицион услубларни -амалиётда қўллаш.**

Фототасвирга олишда замонавий техникаларни қўллаш услублари. Фотокомпозицияда янги кашф этилган композицион услубларни -амалиётда қўллаш. Бадиӣ тафаккур маданиятини ва бутунги куннинг санъат амалиётини танқидий ёндошув орқали ўзлаштириш малакасини шакллантириш. Ўқув дастурига киритилмаган айрим масалаларни назарий жиҳатдан мустақил тадқиқ этиш. Кенг камровли амалий материални мустақил таҳлил этиш. Танқидий таҳлил, кинооператорлик санъатини тушуниш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра сұхбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Ҳозирги таълим тизимида билимларни эгаллашнинг янги концепцияси замонавий педагогик технологиянинг турли услубларини қўллашни тақозо этади. Таълим жараёни – бир тизим. Уни ташкил этувчи элементлар ўқув мақсади, кутилаётган натижа, ўқитувчи, талаба, таълим мазмуни, таълимнинг методи (усули), таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва баҳолашдир.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда юқоридаги келтирилган барча элементлардан тўғри фойдаланиш талаб этади.

### **Таълим тизимида замонавий метод ҳамда усуллардан фойдаланиш**

Илғор ўқитувчилар таълим тизимида фаол методларни қўллайдилар. Масалан глобал таълим лойиҳаси бўйича интерфаол усуллардан фойдаланиб, ўз фаолиятларида сұхбат, семинар-тренинг, мунозара, мулоқот, диаграмма, инсерт, кластер, ақлий хужум, интерфаол индуктив, дедуктив, муаммоли тарзда маълумотларни берадилар.

**Кластер** – инглизча сўз бўлиб – бош, бир шингил, “Бир бош узум” шакли, конус маъносини англатади.

**Кластер** – бу маълум бир мавзу бўйича талабаларни эркин, очик ўйлашга ёрдам берувчи стратегия бўлиб, фикрлашнинг (нотекис) шаклидир. Мазкур усулдан дарснинг фикрлаш босқичида фойдаланиш мумкин.

### **Кластерларга ажратиш:**

1. Қоғоз ва досканинг ўртасига таъриф, асосий сўз ёки гап ёзилади.
2. Ушбу мавзуга оид хаёлингизга келган барча сўз ва гапларни ёзинг.
3. Гоялар келиши билан улар ўртасидаги боғлиқликни аниқланг ва хатолар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилинг.
4. Берилган вақт мобайнида хаёлингизга келган фикрларнинг барчасини ёзинг.

Кластерга ажратиш эгилувчан тизим бўлганлиги сабабли дарс мақсадидан келиб чиқсан ҳолда уни групда, якка тартибда барча фанларда қўллаш мумкин.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг жорий этилиши – ўқитувчининг ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талаба ва ўқитувчидан – мустақиллик, ижод, иродавий сифатларни талаб этади.

### **“Ассесмент” -технологияси.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

## **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

## **“CWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

CWOT таҳлил:

C – стренгтҳ (кучли)

W – weakness (зайф)

O – оппортунистес (имкониятлар)

T – тҳреатенс (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

C	W
O	T

### ***Намуна Музейнинг ракобатли CWOT таҳлили***

	<b>Манфаатли омиллар</b>	<b>Манфаатсиз омиллар</b>
<b>Ички мухит омиллари</b>	<p><b>C – кучли томони.</b></p> <p>1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа.</p> <p>2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар.</p>	<p><b>W – зайф томонлари</b></p> <p>1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик).</p> <p>2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали</p>

	3. Кўргазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни кўллаш.	кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетолог)
<b>Ташқи мухит омиллари</b>	<p><b>О – имкониятлар.</b></p> <p>1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича музейнинг таниқлилик даражаси.</p> <p>2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги.</p> <p>3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари.</p>	<p><b>Т – хатарлар.</b></p> <p>1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши.</p> <p>2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши.</p> <p>3. Ташқи рақобат: Кўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.</p>

### **Хуросалаш (Резюме, Веер) методи.**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хуросалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Методни амалга ошириш тартиби**

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;

- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;

- Навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

**Намуна:**

Галерея аудиториясини сегментлаш					
Даромадлари бўйича		Ёши бўйича		Жинси бўйича	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиг и
<b>Хуносат:</b>					

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Wхо), Қачон (Wхен), Қаерда (Wхере), Нима учун (Wхй), Қандай/ Қанақа (Хow), Нима-натижа (Wҳат).

### “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-bosқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-bosқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-bosқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>

<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил варианларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хulosса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>
--	---

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### *Намуна*

**Фикр:** “Музей брендини шакллантиришда доимий ташриф буюрувчилар ҳатти харакати таъсир этади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустакил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Арт маркетинг	ташкилий ва бадий мақсадларга эришишда истеъмолчилар билан ўзаро манфаатдорлик муносабатларни ўрнатишига йўналтирилган интеграширилган менежмент жараёни	
Паблик рилейшинз	жамият билан алоқа ўрнатиб, уни йўлга қўйиш, яъни санъаткор ёки рассом шуҳратини ёйиш учун санъат асари ёки унинг хизматларини тарғиб этиш, реклама қилиш	
Паблисити	мутахассислар ва улгуржи харидорларга мўлжалланган тарғиботни олиб бориш	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.


### Вени Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалashiб, қўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## Венн диаграммасыда ишлаш қоидалари:



### “Блиц-үйин” методи.

**Методнинг мақсады:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш күнінімдерини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадыда құллаш самарали нәтижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастралб иштирокчиларга белгиланған мавзу юзасыдан тайёрланған топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сүнг, иштирокчиларга түғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтириледи. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурұхларга бирлаштиради ва гурұх аъзоларини үз фикрлари билан гурұхдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир үтказиб, үз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир түхтамга келиб, жавобларини «гурұх баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурұхлар үз ишларини тугатгач, түғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттириледи, ва ўқувчилардан бу жавобларни «түғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Түғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сүнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «түғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий йифинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йифинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР** **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Фотокомпозиция модулини ўқитишдаги аńанавий ва замонавий ёндашувларни таққослаш.**

**Режа:**

1.1.Фотография санъатида замонавий техникалар орқали тасвирга олишда қўлланиладиган инновациялар.


1.2.Замонавий техник таъминот


**Таянч иборалар:** Фотограф, Образ, ёруғлик, ракурс, постановка, тасвир, композиция, монтаж, услуга.

#### **1.1.Фотография санъатида замонавий техникалар орқали тасвирга олишда қўлланиладиган инновациялар**

Фотография сўзи грекча “Фото - нур”, “графия - ёзмоқ” яъни нур билан ёзмоқ беган маънони билдиради. Фотография санъат тури бўлиб, бадий ижод тури: фотография асрлари (сурат) воситаси орқали яратиладиган тасвирий санъат тури дейишимиз мумкин. Бадий маданият фото санъатида мухим рол ўйнайди. Шу билан биргаликда, илм-фан хам бунга мисол қилиб, (физика, кимё, оптика) ва техниканинг маълум ютуқлари замсинида юзага келиши мумкин бўлган техниковий санъат тарихида дастлабки бўлгани билан ажralиб туради. Дунёда биринчи бўлиб, фотографияга қадам қўйганлар ва фотография ихтироисига айланганлар.

*камера обскура*





Луи Жак Даггер у асли рассом бўлиб, (1787-1851) йилларда яшаб ўтган. Унинг дастлабки суратлари ранг-тасвирнинг анъанавий натюроморт, манзара ва портрет жанрларида яратилди.



*Натюроморт 1897*



*Гелиографик тасвир 1826*


Биринчи бўлиб, сурат олганлардан бири франциялик Жозеф Ниссифор Непсдир. У (1765-1833) йилларда яшаб ўтган. Непс ўзининг биринчи урунишида яъни 1826 йилда биринчи суратини чиқаришга мувофиқ бўлди.

Шулар қаторида англиялик Вилям Фокс Генрих Талбот (1800-1877) йилларда яшаб ўтган. У ўзининг биринчи суратини 1835 йилда олишга мувофиқ бўлган.

Илк давр фотографияси очиқдан-очиқ ранг-тасвир санъатига тақлид килди. 19 аср тасвирий санъатидаги фотографияда ўзининг иккинчи нусхасига эга бўлди. Бадиий фотография номини олган бу йўналиш асосчилари фото санъатин юксак тасвирий маданиятга эришиши нафис санъатлар билан узвий боғланиши учун қарийиб уч аср давомида таниқли ижодкордларнинг меҳнати сингди.

Фото санъатиниг тарихида АҚШлик Э Майдридж томонидан турли кўриш нуқталари бир нечта камерада суратга олган, суратлари муҳим воқеа бўлди. Бу янгилик туфайли 20 аср биринчи чорагида фото санъатида реал борлиқни янгича талқин қилишга қизиқиш ортди. Иккинчи жаҳон урушида фотопортажлар фото санъатининг янги тараққиёти босқичи бўлди. Уруш фотойилномалрани яратишда, турли мамлакатлар репортёрлари ўз хиссалирини қўшдилар.

1950-80 йиллар хужжатли фото санъат жаҳоннинг энг йирик агентликлари томонидан жўнатилган репортёрларнинг сайёҳатда яратган жанрли фотография ривожи билан характерланади. Ўзбекистон ҳудудига 19 асрнинг иккинчи ярмида Европада келган кўплаб сайёҳ ва тижоратчилар ҳамда бошқа соҳа эгалари юртимизнинг бебаҳо маданий мероси айниқса, меъморчилик обидалари (эригатсия) санъати нафис ҳунармандчилик санъати ва одамларнинг яшаш тарзи маданияти акс эттирган ва уларни тарқатганлар.



DEVONOV.RU.GG

Дастлабки ўзбек фото усталаридан бири хивалик Худойберган Девонов бўлиб, у нафақат фото уста, қолаверса кинооператорлик бўйича ҳам ўзига хос маҳорат эгаси эди. Х.Девонов (1878-140) йилларда яшаб ўтган. У 1907-1908 йилларда Москва ва Петербургдан телескоп, грамафон, фото ва кино аппаратураларни олиб келди.

Хива ва Урганч бозорларида фильм намойиш қилди ва ўзи фото лабаратория ташкил қилди. Фотография сўзи грекча “Фото - нур”, “графия - ёзмоқ” яъни нур билан ёзмоқ беган маънони билдиради. Фотография санъат тури бўлиб, бадий ижод тури: фотография асрлари (сурат) воситаси орқали яратиладиган тасвирий санъат тури дейишимиз мумкин. Бадий маданият фото санъатида муҳим рол ўйнайди. Шу билан биргалиқда, илм-фан ҳам бунга мисол қилиб, (физика, кимё, оптика) ва техниканинг маълум ютуқлари замсинида юзага келиши мумкин бўлган техникавий санъат тарихида дастлабки бўлгани билан ажралиб туради. Дунёда биринчи бўлиб, фотографияга қадам қўйганлар ва фотография ихтирочисига айланганлар.

Бугунги кунда фотография аввалги йилларга қараганда анча кенг имкониятларга эга бўлиб турли соҳаларда қўлланила бошлади. Фото анжомларини ишлаб чиқарувчилар кун сайн такомиллашиб, фотосуръатга олиш жараёнини енгиллаштирувчи, фотографиянинг сифатини оширувчи томонларига аҳамият бериб фаолият доирасини юксалтиրмоқдалар. Ҳар қадамда ишлабтурувчи фотолабораториялар эса, бир соатда ёқеришилган натижаларни қўриш имкониятини беради.

Фотосуръатчилар учун аниқ фокусдаги фотографияга эришиш шу қадар муҳимки, улар ҳатто таржима қилинганда “фокусни ушлаш” маъносини берувчи англатувчи “теск шарп” атамасини ўйлаб топганлар. Кўпчилик

“фокусда” бўлмаган фотографиялар яратишга мжбур бўлганлар. Бу курс сизга бундай ҳолатларда ёрдам беради деб умид қиласиз.

Баъзан сифатли фотографияларга эришиш учун фотоаппаратнинг созламасини ёки тасвир режимини ўзгартириш кифоя эмас. Айрим ҳолларда профессионал фотосуръатчилар фойдаланадиган жиҳозлар харид қилишнинг ўзи етарли бўлади. Жиҳозлар ва аксессуарлар рақамли фотографиялар каби муҳим аҳамият касб этган соҳани топиш жуда мушкул.

Ҳар бир фотосураъатчи сифатли натижага эришиш учун профессионал фотоижодкорлар фойдаланадиган аксессуарларни қўллаши мақсадга мувофиқлигини англашетиши даркор.

Баъзи инсонлар рақамли фотоаппаратларни худди аввалгида плёнкали, фақатгина плёнкаси бепул деб ҳисоблайдилар. Рақамли фотоаппарат фақатгина фотокамеранинг янги тури ҳисобланиб қолмай, балки, бизга аввал бошқа фотокамераларда мутлақо учрамаган янги имкониятларни яратиб беради. Мазкур курс профессионал фотосуръатчиларнинг ўз сарф-харажатларини қоплаш учун барча рақамли технологияларнинг афзалликларидан фойдаланишлари ҳақида тасаввурга эга бўлишда ёрдам беради<sup>1</sup>.

**Штатив.** Фокусни ушлаш учун бир қатор шартлар мавжуд. Бу энг оддий нарсадан, яъни штативни ишлатишдан бошланади. Амалиётда профессионал фотосуръатчилар билан ҳаваскорлар орасида ягона фарқ мавжуд. Профессионал фотосуръатчилар доимо штативда суръатга оладилар. Бу ҳаваскор фотосуръатчилар бой берадиган асосий жараён ҳисобланади. Штативнинг асосий функцияси фотоаппаратни мустаҳкамланган ҳолатда ушлаб туришдан иборатdir.

“Шаровая головка” – тасвирнинг равшанлигини яхшилашга ёрдам бермасдан, тасвирнинг руҳий ҳолатини яхшилайди. “Шаровая головка” қўлланилганда оддий ҳаракат билан фотоаппарат ҳолатини тез ва осон исталган бурчакка қўйган ҳолда ўзгартириш мумкин. Бу қурилманинг ижобий тарафи шуки, унинг ёрдамида фотоаппарат максимал, ишончли мустаҳкамланади ва созланиб суръатга олиш тайёр бўлганда у ёки бу тарафга силжиб кетмайди.

**Тортилиш релизи (Спусковой тросик)** – бу маҳсус сим бўлиб унинг учида фотоаппаратга уланиш учун улагич, бошқа бир учида эса бир қанча тугмалар мавжуд. Ушбу мослама ёрдамида босиш тугмасини ишлатмаган ҳолда фотоаппарат затворини пастга тушуриш мумкин. Фотоаппарат тугмасини босган ҳолда фотосуръатчи хиёл камерани силжитади. Силжитиши даражаси тасвир мукаммал тиниқ бўлмайдиган даражада бўлади. Бир қарашда эътибор бермаса ҳам бўладиган ушбу ҳолат келгусида фотография сифатига таъсир ўтказиши аниқ.

“Кўзгунинг тахминий баландлиги” функцияси (Функсия “Предварительный подъём зеркала”) – Никон фотоаппаратларида бу тушунча Эхпосуре Делай Моде (экспонировкани ушлаб туриш режими),

---

<sup>1</sup> Kelby Scott. The Digital Photography Book

Санон фотоаппаратларида эса – Миррор Лоскуп (кўзгунинг тахминий баландлиги) деб номланади. Қуйида келтирилган функцияга кўра фотоаппарат кўзгуси суръатга олинаётган вақтда тебранишдан сақланган баландликда мустаҳкамланади. Бу экспозитсияни аниқлаш каби тасвирнинг аниқлигини ошириш учун муҳим ҳисобланади. Бошқа мураккаб усуllар билан биргаликда бу функция идеал равшанликка эришиш учун яна бир муҳим босқич ҳисобланади.

**Тебранишни камайтириш функцияси (Функция подавления вибратории).** Никон фирмасининг кўпгина замонавий объективларида тебранишни камайтиришнинг янги функциялари мавжуд: Вибраторион Редустион (ВР). Санон объективларида шунга ўхшаш, тасвирни барқарорлаштириш функцияси мавжуд: Имаге Стабилизациюн (ИС). Улар штативсиз ишлатилганда ёки етарли ёргулик бўлмаганда тасвирнинг равшанлигини яхшилаш учун мўлжалланган. Ўз моҳиятига кўра бу функциялар агар “заслонка” етарлича кўп вақт очиқ бўлса объектив харакатини стабиллаштиради. Фотосуръатчида штатив ишлатиш имкони бўлмаса ва яхши ёритилмаган хонада тасвирга олиш лозим бўлса (штатив ўрнатиб булмайдиган жойлар яъни тўй тантаналарини суръатга олиш, баъзи спорт мусобақаларида, шаҳарда ёки шунчаки худудларида) бу функция мўжиза яратади десак муболага бўлмайди.

**Тасвирнинг максимал аниқлигини таъминловчи оптималь диафрагма кўрсатгичи (Оптимальное значение диафрагмы для максимальной чёткости снимка).** Кўпчилик объективлар учун диафрагманинг оптималь кўрсатгичи – бу максимал очиқ диафрагманинг иккинчи кўрсатгичига яқин (бошқача қилиб айтганда, диафрагманинг оптималь кўрсатгичи унинг максимал кўрсатгичидан икки қадам нарида туради). Шундай қилиб, агар диафрагманинг минимал даражадаги кўрсатгичи  $f/2,8$  ташкил қиласа унда диафрагманинг тасвир равшанлиги учун оптималь кўрсатгичи  $f/5,6$  ёки  $f/8$  яъни бу кўрсатгич  $f/2,8$  дан икки кўрсатгич кейин туради.

Кун сайн рақамли фотография жадал ривожланиб, рақамли фотокурилмалар янада функционаллиги ошиб, улар нарх навоси жиҳатидан аҳоли эҳтиёжини қондира олади. Рақамли фотографиянинг пайдо бўлиши янги шаклдаги санътнинг вужудга келиши билан кузатилади. Санъат ушбу тури, ихлосмандларни ўзига жалб қилиб бугунги кунда фотоижодкорларнинг фотоасарлари дунёнинг қатор йирик музейларида ташкил этилаётган кўргазмалар экспозитсияларидан ўрин эгаллаб келмоқда. Фотоиндустриянинг янги эраси бошланди, яъни рақамли фотокамералар билан бирга фотография тўғрисида ҳам янги тушунчалар пайдо бўлди.

Илк рақамли фотокурилмалар савдо шаҳобчаларида бир неча йил аввал пайдо бўлган. Бироқ, авваллари уларнинг нарх-навоси жуда баланд бўлиб, уларни харид қилиш ҳаркимга эмас эди. Ҳозирда, сотувда нарҳи 150 доллардан ошмайдиган бошланғич даражадаги фотоаппаратлар мавжуд бўлиб, бу рақамли фотокамераларни қимматбаҳо қурилмалардан оммабоп фойдаланиладиган қурилмалар қаторига қўшади.

Рақамли фотокамералар, тасвирларни редакторлаш учун компьютер ва дастурий таъминот ёрдамида исталган ижодий ғоя ва қобилиятларни аъмалга ошириш мумкин.

Рақамли фотосуръатларни яратиш технологияси инсонларга визуал ахборотни географик жойлашувдан қатъий назар бир зумда алмашиниш имконини беради. Рақамли фотокамералар компьютер технологияларининг хамда фото санъатининг синтези хисобланаб, улар бир вақтнинг ўзида ҳам рақамли шедеврлар яратиш воситаси, ҳам жиддий коммуникатсион жихоз хисобланади.

Ҳар қандай бошқа техник янгилик каби рақамли фотоаппаратлар бир қарашда фойдаланишга мураккабдек туюлиши мумкин. Рақамли камералар сотиладиган дўконларларга ташриф буюрилганда ҳам, турли ҳил тушунарсиз сўзлар ва белгилар, масалан, мегапиксел, ЖПЕГ ва ҳоказо. Ушбу техник характеристикалар профессионаллар учун қандайдир маъноберади. Бироқ, сиз оддий истеъмолчи бўлсангиз, сотувчи томонидан таъриф берилган: “ушбу модел 2,3 мегапикселли сенсор билан таъминланган, ЖПЕГ, ТИФФ, ГИФ, ГРГБ форматларига эга. Объектив Варио-Соннар Ф:2,0-2,5 ф=7-21мм (33-100 мм 35 мм эквивалентида) ИСО 100, 200, 400, видержка 8 – 1/1000 с, диафрагма Ф:2 – Ф:8,9” каби сўзларнинг ўзи кифоя бўлиб, бундай мураккабликларга қўл урмай плёнкали фотоаппаратларни афзал деб биласиз.

Фотография санъат тури бўлиб сурат воситаси орқали яратиладиган тасвирий санъат тури дейишимиз мумкин. Бадиий маданият, фото санъатида муҳим рол ўйнайди. Шу билан биргалиқда, илм-фан ҳам бунга мисол бўла олади, ва техниканинг маълум ютуқлари заминида юзага келиши мумкин бўлган техникавий санъат тарихида дастлабки бўлгани билан ажралиб туради.


Илк давр фотографияси очикдан-очик ранг-тасвир санъатига тақлид қила бошлади. 19 аср тасвирий санъатидаги фотография ўзининг иккинчи нусхасига эга бўлди. Бадиий фотография номини олган бу йўналиш асосчилари фото санъатини юксак тасвирий маданиятга эришиши нафис санъатлар билан узвий боғланиши учун қарийиб уч аср давомида таниқли ижодкорларнинг меҳнати сингди.

Бугунги кунга келиб рақамли фотография алохида ахамият касб этади ва фото санъатининг илғор турларидан бири хисобланади.

Рақамли фотография шубҳасис яхши кашфиёт бўлди десак муболага бўлмайди. Ёш етишиб келаётган талабаларимизга унинг қулайлиги шундан иборатки, олинган тасвирни кўриш, ўчириш ва хаттоки компьютер орқали турли программалар ёрдамида тасвирни тиниқлигини яхшилаш ва унга турли безаклар бериш имконини беради.

Рақамли фотографиянинг қулайлик томонлари ва унинг имкониятлари хозирги замон талабига мос келадиган замонавий технологияларни фото ва кино санътида қўллаш имкониятини ошириш малкали мутахасилар яратиш мақсадида ўрганилади.

Кўпчилик хаваскор ижодкорлар рақамли фотографияни гўёки тугмани босиб осонгина тасвир олиш деб билишади. Аммо бу янги замон технологияси анъанавий фотография сингари профессионалликни талаб этади.



Фотоаппаратдан кўра мукаммалроқ бўлган турли ускуналарга эга бўлади. Сақланиш ва фокус масофасини автоматик мослаштирувчи тизимлар фотосурат олиш жараенининг натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ тўлиқ автоматлаштирилган аппарат фотосуратга олиш жараенини назорат қилиш ёки айрим амаллар ёрдамида берилган автоматик хусусиятлар орқали тасвиirlарнинг оптимал сифатини таъминлашга имкон беради


Анъанавий ва рақамли фотографиянинг фарки шундаки, Рақамли фотоаппаратда пленкалар ўрнига ёруғликка чидамли ПЗС-матритса кўлланилади. У ёруғликни рангли нуқталар – пикселларга айлантиради. Кўпгина фотоаппаратлар “мегапикселли” чунки улар миллион (M) пикселдан ортиқ файлларни қабул қилиш хусусиятига эга.

Илк рақамли фотоаппарат 1991 йилда Сонй компанияси ўзининг ПЗС матритсали “Сонй Мависа” аппаратини дунё бозорига чиқарди.


Лекин бу аппарат тўлиқ рақамли деб бўлмайди. Кейинчалик Кодак компанияси ўзининг тўлиқ рақамли функцияни бажарадиган ДСС 100 аппаратини ишлаб чиқарди.

Бугунги кун фото санъатида замон талабига мос келадиган янгидан янги фотоаппаратлар яратилмоқда.

Ушбу замонавий технологияларни ўзлаштиришда кино ва телевидениеда кенг қўлланилишда юқори даражадаги профессионал малака ҳамда кўнишка билан бир қаторда кинематографиянинг ўзига хос технологияси ва имкониятларини ўрганиш зарурати туғилмоқда. Қолаверса, кинематография соҳасидаги бўлажак мутахассиснинг фото яратиш ишида, ижодий ва техник муаммоларни ечишда керакли билимга ва тажрибага эга бўлишини таъминлайди.




**1. Объектив (предметдан қайтаётган ёргулик); 2. Диафрагма; 3. Малумот етказувчи экран; 4. Призма; 5. Видеоқидириүв; 6. Ойна; 7. Затвор; 8. Матримса;**



### (Плёнкали фотоаппарат)

#### Плёнки

Бу



камерада  
тасвир объектив орқали фото тасмага  
тушурилади.

#### Объектив


Объектибининг функцияси – предметлардан қайтаётган ёргуликни плёнкага узатади.

#### (Рақамли фотоаппарат)

Рақамли фотоаппарат яратилган

расвирни рақамлашириб ёзиб олади.

**Объектив** Предметлардан қайтаётган ёргуликни итигиб ПЗС матримсага узатади.



Рақамли фотоаппаратнинг ишлаш тартиби плёнкаликдан унчалик фарққилмайди. Кўринишидан ҳар иккала фотоаппарат деярли бирхил. Уларнинг ҳар иккаласида объектга қаратилган объектив ва фото тасвирга олиш учун затвор тугмаси мавжуд.

Уларнинг фарқи ички механизмидадир. Рақамли фотоаппаратда плёнка ўрнатилган жойда ёритиш сенсор тўри билан қопланган кичикроқ пластинка жойлашган. Сенсорлар пиксел (тасвир элементи сўз бирикмасининг

қисқартмаси) деб номланади. Сенсор компьютерда ҳам мавжуд бўлиб, дисплейдаги энг майда элементлардан иборат ва экрандаги тасвирнинг ўлчов бирлиги ҳисобланади. Энг содда рақамли фотоаппаратда миллион атрофида пиксел (мегапиксел) бўлади. Такомиллашган фотоаппаратларда бир неча миллионлаб пиксел бўлади. Пикселлар қанчалик кўп бўлса, шунчалик кўп майда деталлар бўлиши ва шунчалик каттароқ хажмдаги олиш имконини беради.

Ҳар бир сенсорда филтер бўлади, у рангли плёнкада бўёқ моддаси сифатидаги қизил, яшил ва кўк рангларни ўтказади. Ҳар бир пиксел тасвирнинг маълум нуқтасида турли миқдордаги рангларни тўплайди.

Затвор тугмаси босилганда фотоаппарат ҳар уч рангдан кераклисини ҳар бир пиксел орқали акс эттиради. Компьютердаги сингари фотоаппаратдаги микро протессор ранг ҳақидаги ахборотни рақамли файлга йигади ва файлни фотоаппаратдаги хотира қурилмасига сақлаб қўяди. Сўнгра якуний файлни компютерга ўтказиш мумкин ва график дастур ёрдамида қизил, кўк ва яшил ахборотлаштирилган миллионлаб элементларни нигоҳий тасвирда қайта яратиш имконини беради.

Рақамли фотокамералар кундан кунга машҳур бўлиб, уларнинг қўлланилиш доираси кенгайб бормоқда. Эндиликда уяли телефон мосламасига ўрнатилган фотокамера ҳам хеч кимни ҳайратда қолдирмайди. Бу дегани, рақамли фототасвирлар яратиш оммалашиб бормоқда. Табийки, рақамли фотографияни тадбиқ этиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Затвор тугмасини ёки композитсияни танлашдан аввал, камера қандай тасвирни олиши ва қандай уни сақлаши кераклигини аниқлаш лозим. Кўпгина фотокамераларда тасвирнинг сиқиши (сжатие), яратилаётган файлни форматини аниқлаш каби имкониятлари кўзда тутилган. Кўпгина сифатли объективлар ёруғликдан сақловчи блендалар билан комплектда сотилади. Бленда мосламаси очиқ ҳавода, қуёшли об-ҳаво шароитида тасвирга олиш жараёнида вужудга келадиган бликни бартараф этиш учун қўлланилади. Лекин профессионал фотосуръатчилар ёруғликдан сақловчи блендани хатто ёпиқ хона шароитида ҳам ечмайдилар. Бунинг сабаби, бленда ўз навбатида объектив линзасини ҳимоялайди.

Маълумки, линза объектив корпусининг пластик чеккасида жойлашган ва ҳиёл қаттиқ жисм билан туташиб кетган ҳолда қирилиш, дарс кетиш, синиши ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бундан ташқари линзада қўл бармоқларининг изи ҳам доғлар қолдириши мумкин. Блендани объективга ўрнатган ҳолда фотоижодкор линзани ташқи муҳитдан ҳимоялайди. Қисқасини айтганда, бленда, объектив линзасини фотоаппаратнинг қаттиқ жисмлар билан тўқнашиш, қўлдан тушиб кетиш ҳолатларда сақлайди.

Маълум бир вақтлар Интернет форумларида экспозитсиянинг ҳиёл етарли бўлмаган (диафрагманинг бир бўлимни олиш) мавзууда муҳокамалар авж олган эди. Фотосуръатчининг мақсади – оптималь (тўгри) экспозитсияни танлашдан иборат. Агар фотосуръатчи олдида ноилож ҳолат, яъни – ортиқча экспозитсия (жуда оч рангли фотография) ва кам, етарли бўлмаган экспозитсия (ҳаддан зиёд тўқ фотография) ўртасидаги танловга дуч келинса,

ҳар доим кўп экспозитсияли тасвири танлаш лозим. Сабаби, бундай тасвирида рақамли шовқин (сифровой шум) нисбатан камроқ сезилади. Рақамли шовқинларнинг кўпгина қисми доим тўқ тусдаги фрагментларда мужассамлашади. Шунинг учун, тўқ тусдаги фрагментларни Пҳотошоп дастурида очартирилганда рақамли шовқин кучайтирилади. Демак, хиёл оч тусдаги тасвир олинганда (ортиқча экспозитсияли), уни тўқ тусга келтириш жараёнида рақамли шовқин кучаймиди. Хуллас, юқорида келтирилган мисолларнинг ҳаммаси ноилож ҳолатларга ҳосдир. Қолган барча ҳолатларда, оптималь кўрсатгичли экспозитсия танланishi керак.

PAW – юқори сифатли тасвир файлларининг маҳсус форматидир. Замонавий фотосуръатчиларнинг аксарияти PAW форматининг ЖПЕГ форматидан икки афзал томонини белгилайдилайдилар:

1. Сиқилган (сжатие) тасвириларнинг юқори сифати (ЖПЕГ форматининг файллари сиқилган файллар бўлиб, уларнинг ҳажмни кичрайтириш мақсадида маълумотнинг бир қисми олиб ташланади).

2. Яратилган тасвирилар фотоаппарат сенсорида қандай муҳрланса шундайлигича қолади, яъни, фотоаппаратнинг автоматик равишдаги қайта ишлаш функцияси жараёнидан ўтмайдилар. (ЖПЕГ форматидаги файллар тасвирга олиш жараёнидаётасвириларни янада сифатлироқ бўлиши учун бироз ранг коррексияси, равшанликни яхшилаш (улучшение резкости), каби жараёнларидан ўтади<sup>2</sup>.

PAW форматидаги тасвир жараёнида тасвири автоматик коррексияси функцияси ўчирилган. Ҳамма созламаларни (“баланс белого”, экспозитсия, соялар ва бошқа параметрлар) келгусида мустақил тарзда Адобе Пҳотошоп ёки маҳсус муҳаррирлар ёрдамида амалга оширилади. Профессионаллар ушбу ҳолатдаги ижод эркинликларини хуш кўрадилар. Бунда улар созламаларни мустақил равишда танлаб, эксперементлар яратадилар. Оригинал тасвирга зарар етказилиши (PAW форматидаги файл гўёки ўзига ҳос рақамли негатив) борасида қайғуришга ҳам ўрин йўқ.

## 1.2. Замонавий техник таъминот

Хозирги кунда замонавий техниканинг ривожланиши ижодкорларни техник қулайликлар билан таъминламоқда. Бу ижодий ишларининг сифат даражасида ўз аксини топмоқда. Лекин шуни таъкидлаш керакки техниканинг ривожланиши ва унинг қулайликлари нопрофессионалликни олиб келмоқда, афсуски ўз касбининг устаси бўлмаган шахслар ҳам техникадан осон фойдаланмоқда.

**Объектив:** Объективнинг турини унинг тиниқлиги (разрешенияси), тасвирининг сифати, фокус масофаси, трансфокатсия даражаси, экспозитсияни ва катталаштиришни бошқариш каби параметрларини белгиловчи хусусиятларига қараб танланади. Шунингдек, турли объективларни керакли камерада ишлатилиши ҳам муҳим омиллардан биридир .

<sup>2</sup> Kelby Scott. The Digital Photography Book

Обективларнинг ёруғлик ўтказиш қобилиятини ошириш, айниқса, ҳаво билан чегараланган обективлар линзаларининг устки қатламида акс эттириш коеффитсиентини камайтириш учун обективлар нурлантирилади, яъни ушбу устки қатламларда ингичка шаффоф пленкалар ҳосил қилинади, уларнинг синиш кўрсаткичи шишанинг синиш кўрсаткичидан кам бўлади. Ингичка пленкаларнинг нурлантириш таъсири еруғлиқ тўлқинларининг интерференсия ҳодисасига асосланган. Физика курсидан маълумки, агар бир хил йўналишли ва бир хил тебраниш даврига эга бўлган (яъни бир хил частотали) иккита тўлқин бир-бирига тегса, тебранишларнинг ўзаро қучайиши еки сусайиши юз беради ва тебранишларнинг тўлиқ тўхташи амалга ошади. Тебранишларнинг қучайиши еки сусайиши тегаетган тўлқинлар фазасининг айирмасига боғлиқ бўлади. Тўлқинлар хажми бир-бирига тўғри келса, яъни фазалар айирмаси тўлқин узунлигига тенг бўлса (еки бир нечта бутун тўлқинлар узунлигига тенг бўлса), кучланиш юқори нуқтасига етади. Сусайишнинг максимал кўрсаткичи битта тўлқиннинг хажми иккинчи тўлқиннинг чукурлигига тўғри келса, яъни фазалар айирмаси тўлқин узунлигининг ярмига тенг бўлса (еки бир нечта тўлиқ тўлқинлар плюс тўлқиннинг ярим узунлиги), юзага келади. Агар ушбу, сўнгти амплитуда ҳолатида, яъни иккала тебраниш энергияси бир хил бўлса, тўлиқ ҳодиса кузатилади; тебранишларнинг ўзаро тўхташи шишага юргизилган ингичка шаффоф пленкаларнинг интерференсион таъсирини талқин этади.

Обективларга таъриф берилар экан одатий нутқда кам ишлатиладиган бир неча атамалар (термин)лардан фойдаланишнинг ўзи кифоя қиласди. Лекин бу атамалар билан боғлиқ ҳодисалар кўпчилигимизга жуда таниш.

Ким болалигига қуёш ва лупа ёрдамида газета қофозини ёқиб қўрган? Бунинг учун лупани (йиғувчи линзани) каттароқ диаметрлисими танлаб олиш ва уни қофозга нисбатан муайян масофада қуёш нурлари ёрқин нуқтага айланадиган холда тутиб туриш лозим эди. Айнан шу ёрқин нуқта ва лупанинг орасидаги масофага **линзанинг фокус масофаси** дейилади. Линзанинг фокус масофаси қанчалик катта бўлса, шунчалик катта тасвир чиза олади. Айтганча, линзаларни маркировка қилишда фокус масофага тескари бўлган яна бир катталик қўлланилади. Бу катталик **линзанинг оптик кучи дейилади** ва “диоптрий”да ўлчанади. 20 см фокус масофасига эга бўлган линзанинг оптик кучини топиш унчалик мушкул эмас. 20 сантиметр, (0.2 метр) фокус масофали обектив 5 диоптрий (+5) оптик кучга эга.

Обектив диаметрининг фокус масофага нисбати обективнинг ёруғлик кучини белгилайди. Линзанинг ёруғлик кучи қанчалик кучли бўлса у шунча кўп ёруғликни йиға олади ва олинган тасвир жуда ёрқин холда тасвирга олинади.

## Обективнинг ёруғлик кучи

Обективнинг ёруғлик кучи унинг нисбий орқа тешиги кўрсаткичи билан характерланади. Обективнинг нисбий орқа тешиги дроб кўринишида ёзилади ва обективнинг ишчи тешиги диаметрининг унинг фокус масофасига нисбатини кўрсатади. Масалан, 1:4 нисбий орқа тешикка эга бўлган обектив (маркировканинг ф/4 варианти учрайди) нисби ишчи тешик ўлчами фокус масофаси кўрсаткичидан 4 карра кам. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, обективнинг “ишчи тешик” атамаси жуда шартли. У на олд линзанинг диаметрига ва на диафрагма ўлчамларига мос келмайди. Шу сабабли обективнинг нисбий ишчи тешигини ўлчаб бўлмайди, уни фақат хисоблаб топиш мумкин.

Обектив нисбий ишчи тешиги диаметри қанча катта бўлса у шунча кўп “ёруғлик кучи”га эга бўлади. Линзанинг ёруғлик кучи қанчалик кўп бўлса у шунча кўп ёруғликни йиға олади ва плёнкада жуда ёрқин холдаги тасвирни чиза олади.

### Узун фокус масофали обективлар

Узун фокус масофали обективлар деб фокус масофалари стандарт обективларга нисбатан сезиларли даражада катта бўлган обективларга айтилади ва камида 70-80 мм ва ундан катта фокус масофага эга бўлади. Узун фокус масофали обективлар обектга яқинлашиб боришининг имкони бўлмаган холларда, масалан репортажлар суратга олишда, хайвонларни, қушларни суратга олишда кенг қўлланилади. Бундай обективлар диққатни тасвирга олиш обектининг муҳим деталларига қаратишида жуда қулайдир.

Йирик планларда “кераксиз” орқа планни таниб бўлмас даражада хиралаштириб ташлаш билан томошабин дикқатини фақат актёрнинг ижросига, унинг ички кечинмаларига қаратишига имкон беради. Узун фокус масофали обективлар ўзининг тасвир динамикаси билан ҳам экранда бадиий образ яратишида кенг қўлланилади. Бундай турдаги обективлардан тезлик ва шиддатлилик эфектини яратиш мақсадида бир қатор машхур



фильмларда фойдаланилган. Кадрда узун фокус масофали обективлардан

фойдаланилганда тасвирга олинган портретлар ўзининг сирлилиги билан бошқа обективларда тасвирга олинган кадрлардан ажралиб туради. Портретлар майин, тиниқ ва мафтункорлик ва ўзига хос мухитни хосил қиласди. Умуман хозирги замон фото санъатини узун фокус масофали обективлар, умуман барча турдаги обективларсиз тасаввур этиш қийин. Хар бирининг ўз ўрни ва қўлланилиш сохаси борки, буларнинг барчаси ягона мақсад: экранда тасвирий ифодавий образ яратишга йўналтирилади

### **Кенг бурчакли обективлар (Широкоуголники)**

Кенг бурчакли обективлар стандарт обективларга нисбатан анча қисқа фокус масофага эга бўлади. Кўриш бурчаги эса табиийки стандарт ва узун фокусли обективларга нисбатан анча кенгроқ 35 мм ва ундан кам бўлган обективлар кенг бурчакли хисобланади.



Бу тур обективлар хар хил жанрлардаги фильмларда кенг маконни қамраб олиш зарур бўлган холатларда фойдаланиш учун мўлжалланган, масалан пейзажларни, архитектура иншоатларини тасвирга олиш учун.



Шунингдек бундай обективлар чекланган шароитларда (масалан: топ шахар кўчаларида, хонадонларда) тасвирга олишда жуда қулай.

Чунки унинг фокус масофаси қисқалиги кенг бурчак остида учун катта масштабларни қамраб олиш хусусиятига эга. Кенг бурчакли обективлар тасвир тиниқлигининг юқори диапазонига эга эканлиги билан ҳам қулайдир. Хатто обективдаги масофа шкаласи халқаси ёрдамида мўлжал олиб обект фокусини тўғриланганда ҳам “хато қилиш жуда қийин”.

### **Жуда кенг бурчакли обективлар.**

Фокус масофаси 20 мм дан 24 мм. гача кенг бурчакли обективларнинг бор имкониятлари ва бадиий ифодавий хусусиятларини хис қилиш имконини беради. Кўриш (маконни қамраб олиш) бурчаги бу обективларда жуда ҳам кенг. Улар берадиган тасвирни ҳам бошқа обективлар берадиган тасвир билан адаштириб юбориш жуда қийин. Перспективанинг ўзига хос, ғайритабии қурилиши, ракурслар ёрдамида хосил қилинадиган эфектлар буларнинг барчаси кенг бурчакли обективларнинг имкониятлариидир. Масалан юқоридан пастга қаратилган кенг бурчакли обектив нормал бўйли инсонни 1 метр бўйли карликка айлантириши ёки кичкинагина болакайни хақиқий гигантга айлантириб қўйиши мумкин.

### **Экстремал кенг бурчакли обективлар**

20 мм фокус масофага эга бўлиб 90 градусдан юқори кўриш бурчагига эга бўлади. Бундай обективлар оламга бутунлай ўзгача назар билан қарашга имкон беради. Тасвирга олинадиган кадр композитсиясини фақатгина видеоскател тирқишига қарабгина тузиш мумкин. Бундай обективлар аксарият интересларда ишлашга мўлжалланган.





(балиқ күзи) обективлар. Кенг бурчакли обективларнинг жуда ҳам ўзгача ва антиқа тури бўлиб уларнинг кўриш бурчаги (фокус масофасидан қатъи назар) 180 градусни ташкил этади. Бундай ғайриоддий эфект обективларга хос бўлган Дисторсия деб номланган аберратсиянинг аксинча атайнин кучайтирилиши эвазига хосил бўлади.

Фотография яратишда кенг бурчакли обективлардан нафақат чекланган шароида маълум бир обектни кадрга сифдириш, балки драматургиядан келиб чиқсан холда маҳсус тасвирий ифодавий восита сифатида ҳам кенг кўлланилади. Инсон рухиятида кечеётган ғайритабиий хислар, туйгуларни томошибинга етказиб беришда кенг бурчакли, умуман барча турдаги обективлардан маҳорат билан фойдалана олиш ҳар бир бўлғуси фотографнинг вазифасидир.

### Автомат фокуслашдан фойдаланиш

Кўпгина тасвиirlар учун фотоаппаратга объектни кўрсатиб ва затвор кнопкасини босиб автофокуслашдан фойдаланиш мумкин. Фотоаппарат объектгача бўлган масофани ўлчайди ва шунга фокуслашни созлайди. Булардан қайси бири осонроқ, деган савол туғулади. Афсуски, бу доим ҳам фойда беравермайди. Фойдаланувчи томонидан бироз ёрдам бермасдан

масофани автомат равища тўғри белгилай олмасликнинг бир неча сабаблари бор. Агар объект ортиқча ёрқин бўлса (айни шунда автофокус тегишли фокусни белгилаш учун объектни излайди), шунда автофокус масофани нотўғри ўлчалик мумкин. Агар сиз нимани фокусламоқчи бўлаётганингизни автофокус билишига ишонсангиз фотоаппаратни вақтингачалик марказда бўлиб қоладиган қилиб силжитинг, затвор кнопкасини ярим босинг, шунда фотоаппарат фокусланади, сўнгра уни қўйиб юбормасдан ўзингизга керакли тасвирни ҳосил қилиши учун фотоаппаратни жилдининг.

Фокусда объект акс этиши фотоаппарат обьекти унгача бўлган тўғри масофага ўрнатилган бўлиши керак. Автомат фокус қўп ҳолларда тўғри созлаш мумкин.

### **Турли вспишкалар ёрдамида суратга олиш.**

Агар, тўй маросимини бино ичидаги “вспишка” билан тасвирга одишга тўғри келса, унда фотосуръатларда ёруғлик ва соялар шиддат билан бир бирига ўтиб, нотабий кўринишга олиб келиши мумкин. Бундай эфектни йўқотиб, майин ёруғликка эришиш учун, ”рассеивател”дан фойдаланишга тўғри келади. Агар вспишка фотоаппаратга ўрнатилган бўлса, унда Софт Среен Вестсott мисро Аполло софтбоҳ номли фирманинг 36 \$ли рассеивателидан фойдаланишингиз мумкин

Унинг ёрдамида вспишка ёруғлиги бир маромда ёйилиб, майинлашади, келин куёв ва барча меҳмонларни ёритиш сифати яхшиланади. Шу йўл билан, унчалик қўп воситалардан фойдаланмай туриб янада профессионал натижаларга эришиш мумкин.

### **Вспишканинг майин ёйилган ёруғлиги (2 қисм)**

Майин ёйилган ёруғликни ҳосил қилиш учун йўналган ёруғликдан фойдаланиш лозим. Айнан йўналган ёруғлик обьектлар тасвирда теккисдек кўриниб қолишини олдини олади. Бу холатда гап ташқи эмас, балки ўрнатилган “вспишка” хақида бормоқда. Ташқи “вспишка”ларнинг афзаллиги шундаки, фотосуръатчи уларнинг йўналиши ва эгилиш бурчагини ўзgartариши мумкин.

Суръатга олиш обьектининг тўғри юзига йўналтириш ўрнига, бир ёки бир неча юзадан ёруғликни акс эттиришга ҳаракат қилиб кўринг:

1. Шифтдан. Агар, суръатга олиш хонаси шифти оқ рангда бўлса ва унинг баландлиги 3 метрдан ошмаса, “вспишка”ни  $45^{\circ}$  бурчакда шифтга йўналтириш мумкин. Бу холатда шифт ёруғликнинг бир қисмини ютади ва обьектда акс этган ёруғлик сезиларли даражада майин бўлиб, одамнинг орқасида ёрқин соя қолдиради. Қолган соя полда, кадр ортида қолади. “Вспишка”ни яна қандай йўналишда буриш мумкин?

2. Асистент ёки дўстингиз ёруғлик акс эттиргични суръатга олинаётган одамнинг ўнг ёки чап тарафидан туриб, елкадан бироз баландда тутиб туриши мумкин. Бу холатда “вспишка”ни у томонга йўналтиришингиз керак бўлади. Ёруғлик ярмини акс эттиргич ютиб, унинг қолган қисмини суръатга олинаётган обьектга маълум бурчак остида йўналтиради. Бу холатда ҳам ёруғлик обьектга тўғридан тўғри тушмайди. Соя суръатга олиш обьектининг бир томонидан йўқолиб, тасвирга бир қандай шакл бахш этади.

## **“Вспишкадан очиқ ҳавода ёки тўй маросимларида фойдаланиш**

Профессионал фотосуръатчиларнинг энг эски усулларидан бири бу – “вспишкадан” дан кундуз куни қуёш ёруғлиги тушаётган вақтда фойдаланишларидир. Бир қарашда бу ғалати туюлади.

Фотосуръатчилар қуёшли кунда, келин куёвнинг юзи янада табиий кўриниши учун, суръатга олинаётган инсонларнинг юзидаги кучли сояни юмшатиш учун “вспишкадан” дан фойдаланиб суръатга олади. Бундан ташқари, шундай усулдатасвирга олганда келин куёвнинг кўзида ёқимли нур пайдо бўлади. Тасвир омадли мувозанатланганига ишонч хосил қилиш учун, уни фотоаппаратнинг ЖК (суюқ кристалл экрани) да текшириб кўринг. “Вспишкадан” маросим қатнашчиларининг юзига тўғри йўналтирилмаслигига ахамият беринг. Фотоаппаратингиз 45°бучакда кўтарилиган бўлиши керак. Бунда унинг ёруғлиги тўғри суръатга олиш обьектига йўналтирилгандағи каби сояни янада кучайтирмасдан, балки уни янада майнинлаштиради. “Вспишкадан” 2,5-3 м масофада ҳато суръатга олинаётган сахнадан қаратилган бўлса хамфойда беради.

### **Ўрнатилган “вспишкадан” гўёки тақиқлинган қурол**

Фотоаппаратнинг рнатилган “вспишкадан”си фақатгина бугунги кунда инсонга маълум бўлган, энг кучли, қўпол ва ёқимсиз ёритишни таъминлаш учун мўлжалланган. Агар, сиз кимдандир ранжиган бўлсангиз, уни ўрнатилган “вспишкадан” билан суръатга олинг. Шунда сиз ундан аъламингизни оласиз.

Ўрнатилган “вспишкадан” билан суръатга олишдан қочишининг муҳим бир неча сабаблари мавжуд:

1. Ўрнатилган “вспишкадан” нинг ёритувчи юзаси жуда кичкина. Ёритиш юзаси қанчалик кичик бўлса, ёритиш шунчалик қаттиқ бўлади.
2. Ўрнатилган “вспишкадан” камера обьективининг устида жойлашгани учун, сизда шахтёрнинг химоя каскаси берадиган ёруғликкаўхшаш натижа пайдо бўлади.
3. Фотоаппаратнинг ўрнатилган “вспишкадан”сидан фойдаланиш сизга суръатга олинган кишиларнинг кўзи қизил бўлиб қолишига деярли 100 % кафолат беради. Чунки “вспишкадан” обьективга жуда яқин жойлашган бўлади.
4. “Вспишкадан” тўғридан тўғри суръатга олинаётган обьектнинг юзига қаратилгани боис, сиз етарли шаклга эга бўлмаган текис тасвирга эришасиз.
5. Сиз ёруғликнинг микдори ва йўналишини деярли бошқара олмайсиз.

Ўрнатилган “вспишкадан”нинг натижаси ёуғлик бомбаси билан teng. Айнан мана шунинг учун кўпчилик инсонлар ундан фойдаланиб суръатга олганда, натижадан қониқмайдилар. Шунинг учун, ундан бутунлай иложсиз холатдагина фойдаланишингиз мумкин. Масалан, қуёш обьектнинг ортидан ёритаётганда, тасвирда фақатгина қора соя хосил бўлмаслиги учун, уни бироз бўлса хам ёритишингиз керак бўлганда.

Профессионал фотосуръатчилар эришадиган натижага эришиш учун юқоридаги расмда кўрсатилган ёки қуйида келтириб ўтилган, кўплаб афзалликларга эга ташқи “вспишкадан”лардан фойдаланиш лозим.

А. Сиз ёруғлик йўналишини ўзгартиришингиз мумкин. Ўрнатилган “вспишка” да ёруғлик тўғридан тўғри объект юзига тушади.

В. Ташқи “вспишка”ни юқорига қаратишиңгиз мумкин. Бу унинг энг катта афзалликларидан биридир.

С. Ҳатто фотоаппаратга ўрнатилганда ҳам, ташқи “вспишка” ўрнатилган “вспишка” дан баландроқ бўлгани боис, “қизил кўз” эффиқти пайдо бўлиши эҳтимоли анча камаяди.

Д. Бу анча юқори ёритишни таъминловчи, анча кучли, назорат қилиш мумкин бўлган “вспишка” ҳисобланади.

Замонавий “вспишка”лар деярли барча ишни сизнинг ўрнингизга бажаради.

Юқорида келтирилган маслаҳатларга аъмал қилиб. сиз “вспишка” ёрдамида анча сифатли тасвир яратиш сирларини билиб олган бўлишиңгиз керак. Бироқ, “Ёруғлик ҳали ҳам жуда кучли” деган муаммо ўз ечимини топмади. Гап шундаки “вспишка” нинг ўлчами жуда кичкина. Ёруғлик манбайи қанчалик кичик бўлса, ёруғлик шунчалик қаттиқ бўлади. Буни сиз билиб олган бўлишиңгиз лозим. “Вспишка”дан тушаётган ёруғликни майнлаштиришнинг қўплаб усуллари мавжуд ва ҳар бир фотосуръатчи бу муаммони ўзининг усули билан бартараф этади.

Уларнинг барчаси “вспишка” ёруғлигини майнлаштириш учун қандайдир усулларни қўллайдилар. Бу профессионал фотосуръатчиларнинг учинчи сири ҳисобланади. “Вспишка”дан келаётган ёруғликни майнлаштиришнинг осон ва тез усулидан бири “рассеивател” лардан фойдаланишдир. Кичик ўлчам ва массада у ажойиб натижа беради. Сиз факат уни “вспишка”га кийдириб, 45 бурчак остида юқорига қаратишиңгиз керак бўлади холос. Никон СБ-800 “вспишка”сини ҳарид қилганингизда, тўпламда CW-10 “рассеивател”ига эга бўласиз. Шуни айтиш керакки, у акс ёруғликни эттириш мумкин бўлган бинода яхши натижа беради. Очиқ хавода у деярли оппоқ бўлиб чиқади.

### **Назорат саволлари**

1. Рақамли экспозитсия қандай амалга оширилади?
2. Экспозитсия нима?
3. Ато фокус нима?
4. Авто фосус қандай амалга оширилади
5. Авто фосус нима учун керак?

### **Асосий адабиётлар**

1.Kelby Scott. The Digital Photography Book, Peachpit Press, SBN 13: 978-0-321-47404-9, ©2007, 2009.

2.И.Мелиқўзиев. “Кинотелеоператорлик маҳорати амалий бадиий фотосуратга олиш жараёни”. Ўқув қўлланма. Тошкент 2014й.

3.И.Мелиқўзиев. “Фотокомпозитсия (кўп камераларда тасвирга олиш услуби)” Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.

## **2-мавзу. Фотокомпозиция модулини ўқитишида замонавий методларнинг афзаллик томонлари.**

**Режа:**

2.1. Кўргазма қуролларининг яратилиш мезонлари ва улардан фойдаланиш услублари.

2.2. Янги услубларнинг кашф этилиши.

**Таянч иборалар:** Фотограф, Образ, ёруғлик, ракурс, постановка, тасвир, композиция, монтаж, Фотокамера, услуб.

### **2.1. Кўргазма қуролларининг яратилиш мезонлари ва улардан фойдаланиш услублари.**

Мазкур модул фото ва кино санъатининг фундаментал хисобланади. Унда фотография асослари, ёритиш санъати, фотокомпозитсиянинг асосий элементлари, бир сўз билан айтганда, фото санъатининг алифбоси ўрганилади. Санаб ўтилган жиҳатларни амалий нуқтаи назардан ўрганмай туриб, кинотелеоператорлик маҳоратига эга бўлиш мумкин эмас, дастлаб асосий тушунчалар, уларнинг мохияти ўрганилса, кейинчалик талаба фотографик маҳоратнинг нисбатан мураккаб бўлган томонларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзлаштирадилар. Шу билан бирга кадрнинг колористик ечими, репортаж тасвирга олиш, кўп кадрли тасвир, фотоочерк каби тушунчалар билан яқиндан танишадилар.

Бугунги кунга келиб кинематография ва унинг таркибий қисмлари санъатнинг илғор турларидан бири ҳисобланади. Кино тасвирга олишлар эса ижодий ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида кенг кўламда кўлланилмоқда. Шу боис бўлажак кинематографларда ғоявий-бадиий маданият, юқори даражадаги профессионал малака ҳамда кўникумга билан бир қаторда кинематографиянинг ўзига хос технологияси ва имкониятларини ўрганиш зарурати туғилмоқда.

соҳанинг бўлажак мутахассисларининг келажакда кинематография ва телевидениеда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш кобилиятига эга бўлишлари мазкур фаннинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, фан кинематография соҳасидаги бўлажак мутахассиснинг фильм яратиш ишида, ижодий ва техник муаммоларни ечишда керакли билимга ва тажрибага эга бўлишини таъминлайди. У талабага кинофильмнинг бадиий ва техник жиҳатдан сифатли бўлишини таъминловчи жиҳатларни ўргатади. Шунингдек, бу фаннинг ўзига хос хусусияти шуки, у талабаларга предметни мустаҳкам ўзлаштириш билан бир қаторда ўз ижодий имкониятларидан тўла фойдаланиш шароитини яратади.

Киноплёнкани ишлаб чиқариш жараёни икки асосий босқичга бўлинади: плёнканинг асосини ишлаб чиқариш ва асосга ёруғликни хис қиладиган эмульсия бериш йўли билан ёруғликни хис қилувчи плёнкани ишлаб чиқариш.


Илгари плёнка учун асосан селлULOиддан тайёрланади. 1869 йили ака-ука Хиаттлар сифатида кашф этилган селлULOид биринчи марта йигирма йил ўтганидан кейин “Истмен-кодак” фирмаси томонидан фотоплёнка ишлаб чиқариш учун қўлланди.

Барча ифлюсланишдан осон ажратиб олиш мумкин бўлган деярли табиий селлюлозадан иборат бўлган пахта селлULOид ишлаб чиқариш учун асосий хом-ашё бўлиб хизмат қилди.

Ишлаб чиқаришга катта тойлар кўринишида қабул қилинадиган пахта энг аввало маҳсус машиналар ёрдамида механик равишда чангдан тозаланади, минерал таркибий қисмлар чиқариб ташланади, бунда пресланган толалар бир пайтнинг ўзида юмшатилади, сўнгра пахтани 5-6 соат давомида 4 дан 6 гача атмосфера остида ишқорнинг суст аралашмасида қиздириладиган буғ қозонларида қайнатиш йўли билан кимёвий мойдан тозаланади. Мойдан тозаланганидан кейин сув билан яхшилаб ювилади, сўнграпахтани доимий аралиштириб гомандер деб номланган машиналарда оҳак ёки хлорли натрий билан оқартирилади. Бунда пахта толаси бирмунча қиқилади. Хлор оҳак қолдиқларни эриб кетишиучун масса оҳроқ кислоталанади, шундан сўнг яна яхшилаб ювилади. Сув қолдиги сентрифугларда сиқиб олинади. улар масса солинган ўз вериткал ўқи атрофида минутига 3-4 минг марта айланадиган турли барабандан иборат қозон кўринишда бўлади. Массадаги сув марказдан қочиш кучи таъсири остида қозон деворига бориб ёпишади, шу йўл билан масса қуритилади, шундан сўнг вакум қуритгичда батамом қуритилади (намлик 1-2 фоиздан керак).

Шу усулда тозаланган селлюлозага азот ва олtingугурт кислоталари аралашмаси билан ишлов берилади, бу селлULOид тайёрлаш жараёнида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган нитрлаш ишидир.

Бунда, масалан, қуйидаги кимёвий реакция рўй беради:



селлюлоза азот кислотаси нитротселлюлоза сув.



Азот кислотаси селлюлоза билан бирикиб селлюлозанинг мураккаб азаоткислотали эфирини ҳосил қиласи, у нитротселлюлоза деб номланади.

Бу ҳолатда олtingугурт кислотаси реакция пайтида ҳосил бўлган сувни боғлаш учун китилади, аммо шу билан бирга олtingугурткислотаси бошқа, мураккаброқ таъсир ҳам ўтказади, аммо нитролаш билан боғлиқ асосий реакцияга нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга (5-расм)

5-расм. Нитролаш учун сентрофуга.

Олинган эфир мононитрат деб номланган, негаки бир гидроксил селлюлоза ( $\text{OH}$ ) қолдиқ билан ( $\text{OHO}_2$ ) аралашган бўлади. Аммо бундай қолдиқдан бир бир нечтаси бўлган селлюлоза эфирлари маълум. Селлюлозанинг ўзида эса энг камида учта гидроксил бор деб ҳисоблаш

мумкин; шунинг учун нитролаш пайтида тринитратлар ҳам пайдо бўлиши мумкин.



Аммо аслида селлюлозани нитролашни бу ҳолатда бу ҳолатда ўтказиши мумкин эмас. Бундай индивидуал эфир бўлиши учун диом бир пайтнинг ўзида турли эфирлар ҳосил бўлади: агар тринитрат олинса, у билан бирга моно ва динитрат ҳосил бўлади.

Шунинг учун селлюлозанинг нитролаш маҳсулотлари одатда уларда азот мавжудлигининг фоизи миқдорида характерланади. Кўринадики, чуқурроқ нитролашга нитротселлюлозада қўпроқ азот мавжудлиги мос келади ёки аксинча.

Азот 11,3 дан 12,5 фоизгача мавжуд бўлган селлюлозани нитролаш маҳсулоти техникада коолксилини деб номланади, агар нитротселлюлозада азот 12,5 фоиздан кўп бўлса, у просилини деб номланади.

Ташқаридан бу селлюлоза нитратларни дастлабки селлюлозадан фарқ қилмайди: уларда селлюлозанинг толалитузилиши ҳам сақланади ва оқ ранг деярли ўзгармайди.

Аммо ҳар иккала маҳсулот ўз таркибига қўра бир-биридан кескин факр қиласди. Коллокселин спирт ва эфир аралашмасида осон эриб кетса (бундан аралашма коллодий деб номланади), пироксилини бу хусусиятга эга эмас. Пироксилини кучли портловчи моода ҳисобланади ва тутунсиз порох тайёрлаш учун материал сифатида қўлланади.

Селлулоид тайёрлаш учун асосан селлулоиддан фойдаланилади. Нитроланганидан кейин коллоксилини яхшилаб ювилади. Селлюлоза толаларни анчайн миқдорда кислота бўлишини талаб қиласди, шунга қарамай плёнкада кислота бўлса, у тез эскиради ва механик хусусиятларни пасайтириб юборади. Шуниг учун биринчи марта ювилганидан кейин қатор жойлашган ванналарда совуқ сув билан яна бир неча бор ювиш керак, бунда ванналардаги сув оқимга қарши йўналган бўлиш лозим. Сўнгра центрифугаларда ҳам совуқ сув билан ювилади. Совуқ сув билан ювилгандан кейин ҳам 0,3 фоиз кислота қолади, толанинг ўзидан кислота бундан мустасно. Шунинг учун центрифугаларда ювишдан кейин коллоксилини сувни тез-тез алмаштириб яна ювилади. Совуқ сувдан кейин соданинг кучсиз аралашмасида саккиз марта қайноқ сувда ювилади. Қайноқ сув билан сўнгги икки марта ювишда сув тоза бўлиши керак.

Ювилган коллоксилини сўнгра мўтадиллаштирилади, яъни кислотадан батамом тозаланади. Мўтадиллаштириш маҳсус чангларда аралаштириш йўли билан амалга оширилади, улар лавераллар деб номаланади ва коллоксилини ишқорининг кучсиз аралашмасида 10-12 марта қайноқ сувда ювилади. Айни пайтда қаллоксилини қайшиқоқлигини пасайтириш учун лаверга аммиак,

пиридин, сода сингари баъзи моддалар қўшилмайди. Сўнгра коллоксилин бутунлай оқартирилади, яна бир мартта ювилади ва спирт билан оқартирилади ва кейин сувсизланитирилади, унинг ортиқчаси гидравлик кресс ёки сентриугалар билан олиб ташланади.

Нитротселлюзанинг осон ёниши ва оловланиши ва пироксилининг портлаш ҳавфи нитратсиялаш жараёнини ҳавфини кучайтиради. Шунинг учун нитратсялаш маҳсус жихозланган портловчи моддалар заводларида барча ҳавфсизлик чоралари кўрилгач амалга оширилади. Киноплёнка фабрикаларининг ўзи коллоксилин тайёрламайди, уни тегишли заводлардан тайёр олишни маъкул кўради.

Киноплёнка фабрикасида коллоксилин энг аввало спирт ва аралашмасида эритилади. Аммо коллодия номланган коллоксилин эритмасидан бевосита пластик масса олиб бўлмайди. Аралашмалар буғланиши билан коллодийдан қўйилган плёнка синадиган, ёриладиган, фото ва киноплёнка тайёрлашга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади. Коллоксилин эгилучан ва букилувчан бўлиши учун аралашмага пластификаторлар, яъни массага пластик хусусият берувчилар қўшилади.

Камфора нитротселлюзоза учун энг яхши пластификаторлар ҳисобланади. 20-25% камфарали нитротселлюзоза копозитсияси селлюлоид деб номланади.

Каллоксилинни аралаштириш ва унга камфера қилиш алоҳида-малаксерларда амалга оширилади.

Турли моддалар қўшилганидан кейин селлюлоиднинг хусусиятларини яхшилаш, унинг эгилувчанлигини таъминлаш, электрлашиш қобилиятини ошириш мақсадида бир хил таркибдаги тортувчи масса босим остида матоли фильтр орқали яхшилаб фильтранади ва тинишга қўйилади, қўпиклар йўқолгач ундан плёнка тайёрланадиган машинага келади.

Селлюлоидни киноплёнка тайёрлашга тўплашгacha яроқлилигига қармасдан жиддий камчиликка эга. Утез оловланиши, агар плёнка ёпиқ жойда бўлса ёниши ва портлаши ҳам мумкин. Ёнаётган селлюлоидни ўчириш қийин. Ухаво йўқ жойга ҳам ёниши мумкин.

Бу холат киноплёнка тайёрлашда селлюлоидни алмаштириши мумкин бўлган бирор бошқа излашга мажбур қилди. Ўз вақтида шу мақсадда ҳатто металгча бўлган турли моддалар таклиф қилинди; бунда юпқа металл ленталардаги тасвир ёруғ тушганда проексияланиши керак эди.

Бундай моддалар ичида энг тарқалгани атсетилселлюзоза бўлди.

Атситселлюзали ёки бошқача айтганда атсетат плёнка селлюлозадан кўра қийинроқ ёнади ва осон ўчади.

Шу муносабат билан атсетат плёнкани селлюлозага нисбатан “ёнмас” деб аталди, аммо номни фақат шартли тушуниш лозим.

Ўз кимёвий таркибига кўра атсетилселлюлоза селлюлозанинг цирка кислотаси эфиридан иборат ва тозаланган селлюлозани музли цирка кислотаси билан цирка ангидридига олтингугурт кислотаси ёки рухнинг кичикроқ аралашмаси ишлов бериш натижасида олинади: бу аралашма атсетилланган селлюлоза реаксичсини кучайтириб юборади. Реакция пайтида кучли иссиқлик ажралади ва реакцияга киришган қоришма муз билан совутилади.

Реакция натижасида турли нитро эфирлар (моно, ди-, тринитратлар) аралашмаси ҳосил бўладиган селлюлозани нитратлаш реакциясидан қарқли селлюлозани атсетилирлаш одатда триатсетатга олиб келади.

Аммо бу маҳсулот аралашмаларга нисбатан ўз муносабатига кўра ноқулай ҳисобланади: у хлороформда аралашмада ва анчайн қулай атсетон сингари аралашмаларда эримайди. Шунинг учун олинган триатсетатдан диатсетат олиш мақсадида деатсетилирланади. Бу атсетонда яхши эрийди.

Триатсетат ҳосил қилиш ракцияси бир неча соат давом этади ва натжада шаффоф елимшаксимон масса олинади, у баъзи органик эритмаларда яхши эрийди, лекин сувда эримайди. Унинг бу ҳусусиятидан атсетилселлюлозани соғ ҳолда олиш имконини беради: агар атсетилирлаш реакциясидан кейин пайдо бўлган массани сувли бакка киритилса, бунда атсетилселлюлоза чўқинди сифатида тубга ўтиради, у йигилади, ювилади ва сентрофугда сувни сиқилганидан кейин коллоксилинга ўхшатиб ваккумда киритилади.

Нитротеллюлозага ўхшаб атсетилселлюлоза ҳам соғҳолдамстаҳкам плёнкани бера олмайди ва айниқса трифенилфосфат улардан энг маъқуллари ҳисобланади.

Атсетонда атсетиллюлозани эритгандан ва пластиқикаторлар қўшилганидан кенйн ҳосил бўлган қуюқ суюқлик босим остида филтрланади ва плёнка тайёрлаш учун селлюлоддан хизмат қиласиган машинага тушади.

## 2.2. Янги услубларнинг кашф этилиши.

Дастлаб плёнка тайёрлаш учун 50 метргача узунликдаги стол ҳосил қилиб горизонтал ҳолатда ёнма-ён ўрнатилган қалин кўзгули ойна қўлланади. Бу стол устида бўйламасига селлюлоид қоришмага солинган идиш ҳаракатланади, ундаги тешикдан ойнага қоришма оқиб чиқади, идишдан текис оқиб чиқиб ойна юзини юпқа парда бўлиб қоплайди. Бу усулдан тез орада кечиб юборилади, негаки, биринчидан ,селлюлоидда ойна чоклари изи қолади, иккинчидан эса истъмолчи анча узун бўлган плёнкани талаб қиласи.

Шунинг учун “” Истмен-Кодак фабрикаси тез орада барабанларда (троммелларда) плёнка тайёрлашга ўтди. (6 расм)

Барабан катталги плёнка тайёрлашни ва ташишни қийинлаштирганлиги бу машинанинг камчилиги ҳисобланади.

Шунинг учун тез орада барабанлар алоҳида қисмлардан йиғилаган ҳалқали машиналарага алмаштирилади (7- расм). Бу қурилма ҳам айрим қисмлар орасидаги чоклардан иборат жиддий камчиликдан иборат бўлди, шунинг учун плёнка ишлаб чиқариш техникаси лентали машина билан ўз такомилига эришди (8-расм).

Плёнкани сугориш учун фабрикаларда икки тизим филвери қўлланади.

Биринчиси- қуювчи филвер (9-расм) икки қисмдан иборат: сугорувчи камера-ИИ ва заҳира камера-И. Камера ИИ олд томонида 0 тегишли бўлади, ундан коллодий оқиб чиқади.

Унинг кенглиги олд деворни кўтариш ва тушуриш билан ва А винтлар ёрдамида тартибланади. Тешик олдидағи камера ичида эгилувчан д тўсиқ бор, у винтлар ёрдамида айрим қисмлари ёки бутун узунлиги бўйлаб букилиши мумкин. Бу тизим филвердан машина лентасига оқиб тушаётган коллодий қатлами қалинлигининг аниқ тартиблаш имконини беради. Иккинчи тур ҳисобланган сурковчи филвера (10-расм) бутун узунлиги бўйлаб коллодий оқиб чиқадиган тешикдан иборат.

Цирковчи филвера қуювчига қараганда анча содда ваишончлироқ ишлайди. Плёнка тайёрлашда спирт ва эфирдан ибора қиммат эритувчилар кўп микдорда сарфланади, улар мустаҳкамроқ плёнка олиш учун имкон борича сувиз бўлиши керак. Негаки плёнка қуритилаётганда ёпиқ каналлардан ўтади, бу эритувчиларни тутиб қолиш имконияти бор ва улардан яна фойдаланиш мумкин, уларни ҳавога чиқариб юбориш анча зарар келтиради ва ёнғин ҳавфини ҳосил қиласди.

Рекупаратсион ускуналарда деб номланган эритувчилар қайтариб олинади. Эритувчилар буғидан иборат, улардан биридаги ҳаво яхшилаб совутилади. Бунда эритувчилар буғи суюқликка айланади, у кейин спирт ва эфирни ажратиб олиш учун қайта ҳайдалади.

Бошқа ускуналарда эритувчилар бугини ютиш учун крезол сингари уларни ютувчи айрим моддалардан фойдаланилади.

Крезол кўмирни қуруқ ҳайдаганда олинадиган суюқликдан иборат бўллади. 130даражагача қиздирилганда крезол эритувчиларни қайтариб беради ва уларни яна ютиш учун қўллаш мумкин бўлади.

Шу йўл билан тайёрланган плёнка асосининг кенийчалик юзасига маҳсус ишлов берилади, шунда эмулсия қатлами асосга мустаҳкам бирлашади. Асос юзасини бундай тайёрлаш икки усул билан амалга оширилади. Биринчи усулда плёнка юзасига ўтувчи ишқор эритмаси билан ишлов берилади, сувда бироз шишади ва эмулсия билан яхшироқ ёпишади.

Бошқа усулда селлюloid ва атсетат плёнкага атсетон ва спирт аралашмаси цирка кислотаси билан елимшак эритмасидан иборат таг қатлам сурилади. Бу ҳолатда плёнка юзаси ҳам бироз кўпчийди, шу билан бирга елимшак у билан елимшак эмулсиясини ёпишувини таъминлайди. Таъкидлаш

жоизки, бу турдаги тагқатламнинг ҳам камчилиги бор, у ҳам бўлса кислота реакциясига эга бўлиб, эмулсиясига таъсир қиласи, унинг ёруғликни хис қилишини сусайтиради ва тайёр плёнканинг сақланиши қобилиятини камайтиради.

Тагқатлам билан қопланган плёнка қуритилади ва сўнгра ўралади, шундан кейин эмулсия қуиши учун машинага ўтказилади .

Плёнканинг бир томонига тагқатлам бериш билан бирга унинг бошқа томонига юза ҳосил қилиши учун алоҳида лок қопланади. Агар плёнкани рангли тайёрлаш зарур бўлса, лок ёки бевосита малаксерга тегишли рангларининг спиртли бўёқ аралашмалари қўшилади. Тагқатлам берилганидан ва асос локлангандан кейин плёнкага эмулсия қўйиш учун қўйиш цехига ўтказилади.

Плёнкага эмулсия қўйиш учун мўлжалланган машиналар умумий куринишида қуидагилардан иборат бўлади. Қайноқ сув билан иситиладиган тоғорада мавжуд бўлган эмулсия бошқалар ёрдамида плёнкага ўтказилади. Плёнкага эмулсия чўмилаётган валик ва отадиган валик ёрдамида икки хил усул билан берилади.

Биринчи ҳолатда асос валикни этиб эмулсияга ботиради ва шу йўл билан ҳўлланади. Бунда одатда автомат тарзда тартиблаб туриладиган эмулсия даражаси доимий бир хилда бўлишига эътибор бериши зарур

Иккинчи ҳолатда валик эмулсияга ботирилади, у айланаётиб эмулсия плёнкага отади, шу тарзда эгилган валикда ҳўлловчи дўнг ҳосил бўлади.

Чўмилаётган валик билан плёнкани суғориш.

Отаётган валик билан плёнкани суғориш.

Суғоришининг кейинги усули маъқул ҳисобланади, негаки биринчи усулда эмулсия кўпинча асосининг томонига оқиб кетади.

Асос суғораётган мосламадн ўтиб, юқорига тик кўтарилади ва диаметрли барабан ичида ковакни эгади. Суғорилган асос ўтаётган барабан ичи совитилади, шунинг учун плёнка барабандалик пайтида совийди. Барабандан кейин плёнка барабандан кейин совитувчи плёнкага берилаётган эмулсия позитив учун 1 кв.м.га 150 куб см негатив плёнка учун 250 куб.см. бўлиши керак. Суғориш тезлиги одатда минутига 5-6 м.ни ташкил қиласи.

Суғориш машинасида суғорилган асос қуритиш учун илгич ускунага ўтади. Бу ерда плёнка чексиз занжирлар ёрдамида ҳаракат қилаётган маҳсус мосламага автомат илинади ва 2,5-3 м. узунликдаги кўплаб микдордаги кунгурга ҳосил қилиб осилиб туради. Чексиз занжирлар плёнкани 150 м. узунликдаги коридор бўйлаб ташийди, бу вакт давомида плёнка бутунлай куришга улгуради ва қуритиш жойидан чиққандан кейин ўралади

Суғорилган асосни қуритиш жараёнида қуритиш жойининг айрим қисмларидаги ҳарорат даражаси катта аҳамиятга эга бўлиб қолади, бунда эмульсия қатлами эриб кетмаслиги, қуриган плёнка эса ғалтакка осон ўралиши учун намроқ бўлишига эътибор берилади. Қуритиш жойи қисмдан иборат бўлса, ҳаво ҳарорати тахминан қуидагича бўлади:

биринчи қисмда 18-20 даражали қуруқ ҳаво берилади; кейнги қисмда ҳам 30-35 даражада иситилган қуруқ ҳаво юборилади, ниҳоят, охирги қисмда 20-25 даражали нам ҳаво берилади.

Суғорилган ва қуритилган плёнка думалоқ пичноқ билан жихозланган кесиш машиналари билан тегишли стандарт асосида тор тасма шаклида узунасига кесиб чиқилади, бунда бир катта эндан 32 мм эндаги 16-17 тасма ҳосил

бўлиши керак. Яхшилаб назорат қилинганидан кейин кесилган плёнка перфоратсион машинага ўтади, маҳсус қора қофозга ўралади ва металл қутичаларга солинади

### **Назорат саволлари**

- 1.Кўргазма қуролларида фойдаланиш услубларини кўрсатинг?.
2. Портрет тушунчасини изоҳланг?
3. Қандай портрет турларини биласиз?
4. Портретларни суратга олишда табиий ёруғликнинг аҳамияти қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. David Prakel Basics “Photography\_Composition”2004 yil Korea
2. И.Мелиқўзиев. “Кинотелеоператорлик маҳорати амалий бадиий фотосуратга олиш жараёни”- Ўкув қўлланма. Тошкент, 2014й.
3. И.Мелиқўзиев. “Фотокомпозитсия (кўп камераларда тасвирга олиш услуби)”- Ўкув қўлланма . Тошкент, 2014 й.

### **3-мавзу: Фотокомпозиция фанининг илғор хорижий тажрибаларини таҳлил қилиб, илмий изланишлар олиб бориш методикаси.**

**Режа:**

3.1. Замонавий педагогик технологиялар орқали фотокомпозиция фанини ўқитишини лойиҳалаш.

**Таянч иборалар:** Фотограф, Образ, ёруғлик, ракурс, постановка, тасвир, композиция, монтаж, Фотокамера, услугуб.

#### **3.1. Замонавий педагогик технологиялар орқали фотокомпозиция фанини ўқитишини лойиҳалаш.**

“Фотокомпозиция” фанини ўқитиши услуби методик жиҳатдан оддийдан мураккабга қараб йўналтирилган бўлиб, фотографиянинг энг асосий элементларини ўрганиш ва уни бадиий ечим имкониятларини назарий билимларидан амалиётда қўллаши кўзда тутилган. Ҳар бир босқичдаги амалий ишлар аввалги қилингандан ва олинган билимларга асосланиб ривожланитириб борилади.

Барча назарий ва амалий ишларни ўқитувчи бошчилигига олиб борилиб, талабага таҳлил қилиш усуллари ўргатиб борилади.

Маъруза ва амалий машғулотларда мос равища илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Аудиториядан ташқари мустақил таълим талabalарнинг фан доирасидаги билимларини янада чуқурлаштиришга, мустақил равища янади ривожлантиришга яқиндан ёрдам беради, жумладан, санъатга оид илмий манбалар устида илмий тадқиқотлар олиб боришни ривожлантириш, миллий ва жаҳон кино мактаблари ва йўналишлари ютукларини таҳлил қилиш, бадиий тафаккур маданиятини ва бутунги куннинг санъат амалиётини танкидий ёндошув орқали ўзлаштириш малакасини шакллантириш. Фаолиятнинг бу тури – топширикларнинг куйидаги рўйхатини қамраб олиши мумкин: ўқув дастурига киритилмаган айrim масалаларни назарий жихатдан мустақил тадқик этиш, кенг камровли амалий материални мустақил таҳлил этиш, танкидий таҳлил, кинотелеоператорлик санъатини тушуниш ва хоказолар.

Талabalар аудитория машғулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маъruzасини тинглайдилар, мисол ва масалалар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қиласди, уй вазифа сифатида берилган мисол ва масалаларни ечади. Бундан ташқари айrim мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб рефератлар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Уйга вазифаларни бажариш, қўшимча дарслик ва адабиётлардан янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни

топиш йўлларини аниқлаш, интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равища илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола ва маъruzалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам мустақил таълимсиз ўкув фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас.

Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Аудиториядан ташқари мустақил таълим талабаларнинг фан доирасидаги билимларини янада чуқурлаштиришга, мустақил равища янади ривожлантиришга яқиндан ёрдам беради, жумладан, санъатга оид илмий манбалар устида илмий тадкиқотлар олиб боришни ривожлантириш, миллий ва жаҳон кино мактаблари ва йўналишлари ютукларини таҳлил қилиш, бадиий тафаккур маданиятини ва бутунги куннинг санъат амалиётини танкидий ёндошув орқали ўзлаштириш малакасини шакллантириш. Фаолиятнинг бу тури – топширикларнинг куйидаги рўйхатини қамраб олиши мумкин: ўкув дастурига киритилмаган айрим масалаларни назарий жихатдан мустақил тадқик этиш, кенг камровли амалий материални мустақил таҳлил этиш, танкидий таҳлил, кинотелеоператорлик санъатини тушуниш ва хоказолар.

Талабалар аудитория машғулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маъruzасини тинглайдилар, мисол ва масалалар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қиласди, уй вазифа сифатида берилган мисол ва масалаларни ечади. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб рефератлар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Уйга вазифаларни бажариш, қўшимча дарслик ва адабиётлардан янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниқлаш, интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равища илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола ва маъruzалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам мустақил таълимсиз ўкув фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас.

Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

## **Назорат саволлари**

1. Кадр композитсияси нима?
2. Тасвирда композитсион қонун қандай шаклланади?
3. Композитсиянинг асосий қонунларини сансб ўтинг.
4. Фояйи композитсион безак нима?
5. Фоя нима?

## **Фойдананилган адабиётлар**

- 1.Исмаилов А.И. “Кинотелеоператорское мастерство” -Дарслик. Тошкент, 2004-й.
- 2.Blain Brown. “Cinematography. Theory and practice imagemaking for cinematographers and directors” -TR850.B7598. Darslik. 2012-USA.
- 3.David Prakel “BASICS Photography COMPOSITION” Copyright © AVA Publishing SA 2006-USA.
- 4.Исмаилов А.И. “Живопись со светом в творчестве Витторио Сторраро”-Ўқув қўлланма. Тошкент,2005-й.
- 5.И.Мелиқўзиев. Кинотелеоператорлик маҳорати (бадиий фотография: шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари) Дарслик. Тошкент, 2017-й.

**4-мавзу: Узоқ тарихга эга ўзбек рассомлари ишлари, композиция яратишдаги методлари тажрибаларидан амалий машғулотларда фойдаланиш.**

**Режа:**

4.1. Композиция нима ва Композиционлик белгилари нимада? У қандай рецептлардан ташқариэканини ўрганиш.

**Таянч иборалар:** Фотограф, Образ, ёруғлик, ракурс, постановка, тасвир, композиция, монтаж, Фотокамера, услуга.

Композиция бу нима? Композиционлик белгилари нимада? У қандай рецептлардан ташқари? Композиция – турли вақтли синтези бўлса, «лаҳза»ни тасвирлаш вазифаси – композицияга қарши. Бироқ бу алоҳида яхлит образ қуришнинг жуда қийин вазифаси. Ҳар қандай лаҳза вақт боришида боғламдир. Композиция асоси – тасвирлашнинг фақат текислик омиллари бўлса, композицияни чуқур фазовий бўйсундирилиши нотўғри. Хўш, унда текисликда нотекис фигуralар ва учўлчамли дунёни тасвирлаш масаласи нимада? Композиция турли кўриш позициялари синтезининг ифодаси бўлса, импрессионистик пейзаж ҳавасқор содда «нусхаси» каби композицияга қарши. Лекин импрессионистларга оддий нусха кўчириш вазифаси тегишли деб айтиб бўладими? Импрессионистик пейзаж бошқаларга нисбатан кўпроқ даражада ифодаланишдир. Композициянинг муҳим белгилари.

Композициянинг асосий белгиси яхлитликдан бошлаш табиий. Бу белги менга маълум таърифларда очиқ ёки яширин мавжуд. А. А. Фаворскийнинг турли фазовий ва турли вақтий яхлитликнинг кўринувчи шакли ҳақидаги Б.А. Успенский ва Л.Ф. Жегиннинг кўриш позициялари синтези, К.Ф. Юаннинг – яхлит конструкция, ягона тузилиш ҳақидаги гапларини эслаймиз. Энди гуманитар фанлар, шу жумладан санъатшуносликка ҳам синтез, конструкция, тузилиш сўзлари мустаҳкам кириб олган. Санъат тўғрисида гап кетганда улар «бутун», «яхлитлик» сўзлари каби композиция тўғрисида гапирганда пайдо бўлувчи оддий сўзлар бўлиб қолган. Бу ерда чегаралаш лозим. Тузилиш, конструкция, композиция – яқин тушунчалар. Турли ҳодиса ва фанларга тегишли диффузли маънолар оиласини ифодаловчи сўзлар. Бир фанларда бу сўзлар қатъий атамалаштирилган. Унда улар тушунчаларни ифодалайди. Масалан, «тузилиш» (молекулалар) кимёда атама ва унинг маъноси ҳақида баҳс пайдо бўлмайди. Тишлинуносликда «тузилиш» сўзини атама қилишга ҳаракат қиладилар. Бироқ унинг маъноси ҳали диффузли бўлиб қолади. Санъат назариясида бу сўзнинг маъноси яна ҳам камроқ тушунарли. «Тузилиш» сўзи билан бу ерда ечиш керак бўлган турли тушунчалар тугунини англатади. «Тузилиш» умумий тушунчаси ҳали

мавжуд эмас. Санъатнинг алоҳида турига нисбатан у жуда ҳам абстракт бўлмасмикан? Турмуш буюмлари ва техникаси соҳасида одатий бўлган маъноси жиҳатидан анча аниқроқ «конструкция» сўзи санъат соҳасида, ҳатто амалий санъат соҳасида ҳам, «тузилиш», «композиция» сўзлари билан алмашиб анча ноаниқ сўз бўлиб қолади. Ҳатто мейморчиликда «конструкция» сўзи икки маъноли. У ёки статика қонунлари ва материал хусусиятлари бўйича бино қисмларининг соф қурилиш бирлаштирилишини ёки инсон ҳаёти ва фаолияти учун конструкцияни ҳам англатади.

